2.500.000 тонна тайёр!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

5 октябрь 1971 йил, сешанба ◆ № 230 (15.100). ◆ Баҳоси 2 тийин.

2 МИЛЛИОН 500 МИНГ ТОННАГА ОБЛАСТЛАРНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Андижон	344. 000 тонна	Наманган	236. 000 тонна
Сирдарё	299. 000 тонна	Самарқанд	235. 000 тонна
Фарғона	265. 000 тонна	Қашқадарё	176. 000 тонна
Тошкент	256. 000 тонна	Хоразм	155. 000 тонна
Сурхондарё	252. 000 тонна	ҚҚ АССР	110. 000 тонна
Бухоро	247. 000 тонна		

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

РЕСПУБЛИКА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўтган беш йилликда ўрмон хўжалиги ташкилотлари ўрмонлар вужудга келтириш, дарахт ўтқазиш ва экиш, боғлар барпо қилиш, ўрмон ва мевали дарахтлар уруғидан кўпайтириш ва ўтқазиш, далаларни иҳота қилувчи дарахтзорлар яратиш ва тоғ ёнбағирларини поғоналаш, республика ўрмон хўжалигини ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирларни бажариш юзасидан сезиларли ишларни амалга оширганликларини қайд этадилар. Ўрмон хўжалигида ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари — қўёнчилик, балиқчилик, асаларичилик янада ривожланди. Бундан ташқари от фермалари ташкил этилмоқда.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўрмон хўжалиги Давлат комитети ва унинг жойлардаги ташкилотларининг фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам бор. Дарахтзорлар барпо қилиш плани 81 процент, тоғ ёнбағирларида поғоналаб дарахтзорлар вужудга келтириш плани 65 процент, ўрмон экинларини ўрмонзор майдонларга кўчириш плани 65 процент ва ўрмон экинлари уруғи тайёрлаш плани 76 процентга етказилиб бажарилди. Ўрмончилик ишларининг сифати паст. Ўрмон экинлари нобудгарчилигига йўл қўйиш ҳоллари юз берди, ўрмонлар учун экилган кўчатларнинг ҳамма-си тўла тутиб кетмади ва Тошкент, Андижон, Самарқанд областларида ниҳол учун экилган уруғларнинг кўпчилиги унib чиқмади. Ниҳоллар ўстириладиган таянч кўчатзорлари яратилмади, бу областларнинг ижроия комитетлари эса анё шундай базалар яратиш учун майдон ажратмадилар. Ўрмонларни муҳофаза қилиш хизмати ҳам талаблар даражасида эмас, ҳалигача ўрмонларда ёнғин чиқиш ҳоллари юз бериб туради, ўрмонлардаги дарахтларни ўзбошимчалик билан кесиб кетишга ҳам чек қўйилмаётир. Бу жиҳатдан айниқса Қорақалпоғистон АССРда аҳвол қониқарсиз даражада.

Ўрмон хўжалиги ишларини механизациялаш даражаси паст, техниканинг ҳамма қувватларидан фойдаланилмаяпти, ремонт базалари ташкил этилмаган, камомат ва талон-торож ҳоллари учраб турибди.

Капитал қурилиш асосан хўжалик усулида ва жуда кам ҳажмларда олиб бориляпти. Бунинг оқибатида ўрмон хўжалигининг жуда кўп ишчилари уй-жой билан таъминланмаган, айрим участкалар электрлаштирилмаган, сув таъминотига, маданий-маиший объектларга эга эмас.

Заповедниклар, давлат буюртмачилари, ўрмонлардаги ҳайвонот дунёсини кўпайтириш ва сақлаш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Ов қондасини бузувчиларга қарши кураш яхши йўлга қўйилмаган.

Партия ва совет ташкилотлари ўрмон хўжалигини ривожлантиришга етарли эътибор қилмаяптилар, ўрмон хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига талабчанлик билан муносабатда бўлмаётирлар. Ўрмон хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи билан жиддий шуғулланмаётирлар, ўрмон хўжаликларининг фаолиятига чуқур ёндошилмаётир. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўрмон хўжалиги Давлат комитети кадрлар билан ишлашга эътибор бермаяпти, бунинг оқибатида ўрмон хўжалиги соҳасида ишлаётган кадрларнинг қўнимсизлиги юз беряпти. Ёш мутахассисларнинг жойлашиб ишлаб қолиши учун шароит яратилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар ва Озиқ-овқат саноати министрликлари ҳамда область ижроия комитетлари тоғлиқ жойлардаги колхоз ва совхозларнинг давлат ўрмон фондига қарашли ерлар билан ёнма-ён бўлган дарахтзорларини ўрмон хўжалиги Давлат комитети ихтиёрига ўтказмадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети КПСС XXIV съездининг ўрмон хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларига асосланиб, ҳозирги беш йилликда республиканинг тоғ ва чўл зоналарида давлат ўрмончилик фондини кенгайтириш ва сақлаш ҳамда унинг маҳсулдорлигини ошириш, сув ва шамол эрозиясига қарши курашга қаратилган ўрмон мелиорацияси ва агротехникаси ишлари ҳажмини оширишни, чўл яйловларининг самарадорлигини кўтаришни, иҳота дарахтзорларини барпо қилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги Давлат комитетининг бош вазифаси деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги Давлат комитетига қуйидагилар тавсия қилинади: давлат ўрмончилик фонди территорияларида ва қишлоқ хўжалигида ишлатилмаётган бошқа ерларда дарахтзорлар барпо қилишни кескин яхшилаш, ўрмон кўчатларининг тутиб қолиши чораларини кучайтириш;

ўрмончилик ресурсларидан самарали фойдаланиш, ўрмонларни касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ҳамда ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган ўрмонлар муҳофазасини яхшилаш, ўрмонлар ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш, ов қондасини бузувчилар билан курашни кучайтириш;

социалистик мулкни асраш учун курашни кучайтириш;

саксовул ва бошқа хил дарахтлар нобудгарчилигининг олдини оладиган агротехника тадбирларини яхшилаш;

машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш; уларни сақлашни йўлга қўйиш;

ёввойи ўсимлик мевалари тайёрлаш, шифобахш озуқабоп ва техник ўсимликлар тайёрлашни кенг кўламларда олиб борин; бедаполар ва яйловларнинг аҳволини яхшилаш;

маҳаллий турдаги ёғочлардан янада рационал фойдаланиш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати Бошқармасига 500 куб метрдан кам бўлмаган миқдорда қурук ёғоч етказиб бериш;

Қишлоқ хўжалиги ва совхозлар министрликлари билан биргаликда олдин яратилган ўрмонзорларнинг парваришини яхшилашни давом эттириш; иҳота дарахтларини колхозлар ва совхозларга ўтказиш;

ёнғоқ мевали дарахтзорларнинг катта майдонларидан тўғри ва самарали фойдаланиш учун, тоғ ёнбағирларида поғоналаб дарахт ўтқазиш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун, иҳота ўрмонзорлари барпо қилиш ва чўл яйловларини яхшилаш учун зарур бўлган даражада ихтисослаштирилган ўрмон хўжаликлари ва ўрмон мелиорацияси станцияларини ташкил этиш;

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институти ва Қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-текшириш институти билан биргаликда ўрмон хўжаликларини аста-секин хўжалик ҳисобига ўтказиш ҳақидаги таклифларни тайёрлаш;

Ҳозирги беш йилликда ўрмонлар барпо қилиш соҳасидаги ишларнинг қуйидаги комплекси амалга оширилсин:

1000 гектарли майдонда янги арчазорлар барпо қилинсин ва икки миллион дона арча уруғидан экиб кўкартирилсин;

тоғ ёнбағирларини поғоналаб, шу ерларнинг 9 минг гектарига кўп йиллик дарахтлар экилсин; 318 минг гектарли майдондаги қумлоқ жойларни мустаҳкамлаш учун кўчат экилсин ва ўтқазилсин;

суғориладиган ва лалми ерлардаги колхоз ва совхозларнинг 15 минг гектарида иҳота ўрмонзорлари барпо этилсин. Шу жумладан, Мирзачўл ва Қарши чўлида, Сурхон—Шеробод водийсида, Марказий Фарғонадаги янгитдан суғориладиган ерларда ва Амударёнинг қуйи қисмидаги шолизор зоналарида ҳам иҳота ўрмонзорлари вужудга келтирилсин;

(Давоми учинчи бетда).

ИЗБОСКАН районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози коллективи пландан ташқари 1800 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилган. Йиғим-теримда механизатор Қўчқор Эргашев алоҳида жасорат кўрсатмоқда. У нига 30 тоннадан пахта теряпти. Йилги марраси — 600 тонна. Бу суратда Қ. Эргашевнинг «Узбекистон» агрегатида пахта тераётган пайти тасвирланган.

С. Безносов фотоси.

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

Республикамиз областларида шоли тайёрлашнинг борили тўғрисида 1971 йил 4 октябрга бўлган маълумот

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — план (тонна ҳисобида); учинчи стун — жами тайёрланган шоли (тонна ҳисобида); тўртинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида.

Андижон	5.000	622	12,4
Хоразм	19.500	2210	11,3
ҚҚ АССР	54.000	4.642	8,6
Сирдарё	13.970	878	6,3
Фарғона	3.000	170	5,7
Тошкент	20.300	628	3,1
Наманган	4.000	87	2,2
Самарқанд	2.300	30	1,3
Сурхондарё	6.800	90	1,3
Республика бўйича:	128.870	9.357	7,3

ДЎСТЛИК РАЙОНИ ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

Дўстлик районининг меҳнаткашлари—пахта йиғим-теримини қисқа муддатда бажариш учун республика мусобақасининг тамшаббускорлари давлатга пахта сотиш йиллик планини бори-йўғи йигирма икки кунда муваффақиятли бажардилар. Тайёрлов пунктларига 36 минг тонна «оқ олтин» элтиб берилди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси машинада териб олинди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов директор бўлган Ленин номли совхоз коллективи бу муваффақиятга катта ҳисса қўшди. Хўжалик пахта тайёрлаш йиллик плани 120 процент бажариб, ҳосилнинг ҳаммасини юксак нав билан топширди.

Дўстлик райони механизаторлари ўртасида смена нормаларини ортиги билан бажариш учун мусобақа кенг авж олиб кетди. Ленин номли совхознинг механик ҳайдовчиси Тўлан Дадажонов тўрт қаторли «Узбекистон» маркали машинада 400 тонна пахта териб, мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Комсомол Шамсиқамар Тўхтаева икки қаторли агрегатдан баракали фойдаланиб икки юз тоннадан зиёдроқ пахта терди.

Район пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 54 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб далалардан яна ўн олти минг тонна пахта териб олишга аҳд қилдилар. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» ПАХТА ШТАБИГА ХАБАР ҚИЛАДИЛАР ТЕЛЕФОНДА:

ЖИЗЗАХ

Район пахтакорларининг йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида бундан бир неча кун аввал матбуотда эълон қилинган эди. Жиззахликлар яна бир зафар қучдилар. Уруғлик пахта тайёрлаш плани 120 процентдан ошиб кетди. Давлатга 12 минг тонна «Тошкент-1» навли вилтга чидамли уруғлик пахта сотилди.

РОМИТАН

«Октябрь 50 йиллиги» совхози механизаторлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, машинада пахта териш йиллик планини барвақт бажардилар. Пландаги 3200 тонна ўрнига 3287 тонна пахта бункерлардан тўкилди.

Дала гвардиячилари «зангори кема»ларда яна 1800 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олдилар.

Совхознинг 3-бўлими 880 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан хирмон кўтариб, йиллик плани муваффақиятли адо этди.

ИЛЬИЧ

Сирдарё область, Ильич районидаги Герман Титов номли совхознинг ўнинчи бўлими пахта тайёрлаш йиллик планнинг бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти берди. 565 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15 центнердан ошириб ҳосил олинди. Пахтанинг ҳаммаси агрегатларда терилди.

Бўлим фидокорлари гектар бошига яна 10 центнердан «оқ олтин» топшириш учун курашаётирлар.

4.400.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида 1971 йил 4 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машинада бир кунда	Машинада мавсум бошидан бўён
Сирдарё	3,69	77,41	4,80	91,25
Тошкент	2,88	72,53	3,01	70,88
Қашқадарё	1,57	70,38	1,18	44,24
Андижон	2,70	69,04	3,08	48,85
Сурхондарё	1,96	68,62	2,06	62,93
Наманган	2,90	63,67	3,63	53,83
Бухоро	2,54	60,35	3,77	61,61
Самарқанд	2,92	55,29	4,00	51,60
Фарғона	2,34	52,85	2,89	35,00
Хоразм	3,16	41,18	2,43	19,54
ҚҚ АССР	3,12	37,00	3,22	22,42
Республика бўйича:	2,72	60,95	3,22	54,12
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	бир кунда 1,88	мавсум бошидан 57,78		
Бухоро	бир кунда 2,16	мавсум бошидан 44,25		
Қашқадарё	бир кунда 2,00	мавсум бошидан 43,89		
Республика бўйича:	бир кунда 2,10	мавсум бошидан 57,16		

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

ГУЛИСТОН. («Совет Узбекистони» мухбири). Бу ерда сентябрь ойининг учинчи декадаси социалистик мусобақаси якунлари бўйича Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғини Сирдарё областига топширишга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кўчма Қизил байроқни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов область вакилларига топширди.

Кенгашда пахта тайёрлаш давлат планларининг барча районлар бўйича тезроқ бажарилишини таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Т. ЖАМОЛОВ.

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Тошкентда 4 октябрда СССР давлат банкининг ярим асрлик юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. «Билим» уйининг зали молия органлари ходимлари, Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги намояндалари билан лиқ тўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов очди.

КПСС Марказий Комитети ленинчи Сиёсий бюроси фахрий президиумга баланд руҳ билан сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Давлат банки муассасалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров ўқиб эшиттирди.

«СССР давлат банкининг 50 йиллиги» тўғрисида Давлат банки Ўзбекистон конторасининг бошқарувчиси Х. М. Ғафуров доклад қилди. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ БАНКИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республика банк ходимларини шонли сана — СССР Давлат банки ташкил этилганининг 50 йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

1921 йил октябрида В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг Давлат банки таъсис этиш тўғрисидаги декретини имзолади.

Социалистик қурилиш жараёнида жаҳонда биринчи социалистик кредит-пул системаси вужудга келтирилди. Совет давлати банкларининг пул, кредит ва банкнинг янги вазифасига жавоб берадиган форма ва методларини қидириб топди ва амалга оширди.

Давлат банки муассасалари ўз фаолиятининг 50 йиллик тарихи давомида социалистик экономика қурилишининг ҳамма босқичларида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, товар оборот ва маданиятнинг ривожланишига ёрдам бериб келди. Улар мамлакатнинг хўжалик ҳаётини ҳисобга олиб ва контрол қилиб бордилар, пул муомаласининг тўғри системаси ўрнатилишига ёрдам бердилар.

Айниқса, халқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот шароитида кредит-пул системаси мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг саккизинчи беш йиллик плани топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига жиддий таъсир кўрсатди.

Социалистик Узбекистон халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ҳам тез суръатлар билан ривожланди.

Буларнинг ҳаммасида кредит, пул, ҳисоб-китоб билан ва қишлоқ хўжалиги ҳамда сув хўжалигига капитал сарфларни маблағ билан таъминлаш орқали, республика экономикасининг юксалишига имконият яратган Давлат банки муассасалари ходимларининг хизмати каттадир.

КПСС XXIV съездининг СССР халқ хўжалигини 1971—1975 йилларда ривожлантириш беш йиллик плани бўйича Директиваларида Давлат банки муассасаларининг ҳам вазифалари белгилаб берилган. Директиваларда ишлаб чиқариш резерваларини тўлароқ сафарбар этишда молия ва банк органлари таъсирини кучайтириш, молия-кредит механизми таъсирини ошириш ҳамда молия-кредит механизмидан техника тараққиётини тезлатиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш манфаатлари йўлида кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республика Давлат банки муассасалари ходимлари КПСС XXIV съезди қарорларидан рухланиб, бундан буён ҳам халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига малакали кредит-расчет ва касса хизмати кўрсатаверадилар, капитал сарфларни маблағ билан таъминлайдилар, аҳолининг ортиқча пул маблағларини омонат кассалари орқали сафарбар этадилар, давлат бюджети касса ижросини бажарадилар ва шу йўл билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси томонидан Совет Ўзбекистонини янада ҳар томонлама ривожлантириш ва коммунизм қурилишидан иборат умумхалқ ишига унинг ҳиссасини кўпайтириш вазифасининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам берадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ.

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Н. В. ПОДГОРНИЙ РАНГУНДА

РАНГУН, 2 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бошчилигида Вьетнам Демократик Республикасига дўстона визит билан бораётган совет партия-ҳукумат делегацияси бу ерга келиб, Бирма иттифоқи Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри генерал Не Вин билан учрашди.

Уларнинг ўртасида бўлган суҳбат вақтида Совет — Бирма муносабатларига доир масалаларга, шунингдек, ҳар икки томонни ўзаро қизиқтирадиган муҳим халқаро проблемаларга тўхталиб ўтилди.

Ҳар иккала томон муҳокама қилинган кўпгина масалалар юзасидан қарашларнинг яқин ва нуқтаи назарларнинг ўхшаш эканлигини таъкидлаб ўтди. Томонлар СССР билан Бирма иттифоқи ўртасида аралашмаслик, суверенитетни ва территория бутунлигини ҳурмат қилиш негизида дўстона муносабатлар ва ҳар тарафлама алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интилаётганликларини изҳор этдилар.

РАНГУН, 2 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Бирма иттифоқи Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри генерал Не Вин СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний шарафига зиёфат берди. Генерал Не Вин зиёфатда сўзга чиқиб бундай деди: Совет делегациясининг Бирмага визити ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳурмат ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Не Вин Бирма Совет Иттифоқидан олаётган техникавий ва иқтисодий мададга юксак баҳо берди. «Биз Бирмада, — деди Не Вин, — сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий системаларидан қатъий назар олис-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстона алоқаларни тенглик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик негизида ривожлантиришга интилмоқдамиз. Биз бундай позиция мамлакатлар ўртасида бир-бирини тушуниш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатларига ҳаммадан кўра яхшироқ хизмат баҳо берди, шу тариқа халқаро кескинликни юмшатишга хизмат қилишига аминмиз».

(Давоми иккинчи бетда).

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

(Боши биринчи бетда).

Зиёфатда Н. В. Подгорний жавоб нутқи сўзлади. У СССР билан Бирма ўртасида тинч-тотув яшаш принципларига ва ҳар иккала давлат халқларининг эркин ва мустақил ривожланишига ёрдам кўрсатиш учун интилишларга, тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлашга бўлган интилишларга асосланган дўстона муносабатлари муваффақиятли ривож топаётганлигидан мамнун эканлигини изҳор этди. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, савдо-сотиқ ва маданий алоқалар кенгайиб бормоқдаки, бу СССРга ҳам, Бирмага ҳам шубҳасиз фойда келтиради. Маълумки, кейинги йилларда бир қанча объектлар барпо этилди. Бу экономикани ривожлантириш ишидаги, миллий кадрлар тайёрлаш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг самараларидан яққол далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, ҳар икки томоннинг куч-ғайрат сарфлаши билан Совет — Бирма дўстлигининг мустаҳкам биносига пойдевор қўйилмоқда.

Совет Иттифоқида Бирма халқининг мустамлакачиликнинг ўтмиш меросини тўла-тўкис тугатиш, Бирманинг сиёсий мустақиллигини ва мустақил экономикасини янада мустаҳкамлаш учун дўст Бирма халқининг олиб бораётган курашига зўр хайрихоҳлик билан қаралмоқда. Бирма халқи ўз жамиятини социалистик асосда ўзгартириш йўлини танлаб олган. Бирма социалистик партиясининг шу йил ёзда бўлиб ўтган биринчи съездида қабул қилинган программаси ана шу йўлдаги муҳим босқич бўлганлигини биз тушунамиз. Совет кишилари Бирма халқининг социалистик ўзгаришлар йўлидан боришга астойдил бел боғлаганлигини қизғин табриклайдилар.

КПСС XXIV съездида яна бир марта таъкидлаб ўтилган ленинча ташқи сиёсий йўл Совет Иттифоқи билан ўз мустақиллигига эришган, ривожланиб бораётган давлатлар ўртасида дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришни энг муҳим вазифалардан бири деб кўзда тутади. Шунинг учун ҳам Бирма билан бизнинг муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш йўли — принципиал сиёсатимиздир, бу йўл ҳар қандай ўткинчи мулоҳазалар ва ўткинчи фурсатлардан холидир.

Н. В. Подгорний совет делегацияси номидан Бирма социалистик программа партиясига, Революцион кенгашга, Бирманинг бутун меҳнат аҳлига мамлакатни янги, социалистик асосларда қайта қуриш ишида катта муваффақиятлар тилади.

РАНГУН, 3 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Ўртоқ Н. В. Подгорний бугун Бирманинг миллий қаҳрамони Аунг Сан қабрига гулчамбар қўйди. Гулчамбарнинг лентасига қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Бирма озодлиги учун кураш қаҳрамони генерал Аунг Санга ва унинг сафдошларига СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийдан».

РАНГУН, 3 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Генерал Не Вин бугун Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳузурига ташриф буюрди. Визит вақтида дўстона суҳбатлашилди.

СОВЕТ ПАРТИЯ—ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХАНОЙДА

ХАНОЙ, 3 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети ва ВДР ҳукуматининг таклифига биноан бугун дўстона визит билан Ханойга келди.

Азиз меҳмонлар келиши муносабати билан аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди. Совет Иттифоқи билан ВДР давлат гимнлари ижро этилди. Мотоциклчиларнинг фахрий ҳамроҳлигидаги автомашиналар колоннаси аэропортдан шаҳарга йўл олди. Делегация ўтиб борган бутун йўлда байроқчалар, гулдасталар тутган Ханой аҳолиси Совет делегациясини шоду-хуррамлик билан тўлқинланиб табриклади.

ХАНОЙ, 3 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси бугун ВДР президенти Тон Дик Тханг ҳузурига ташриф буюрди.

Учрашувда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукуматининг раҳбарлари қатнашдилар.

* * *

БДР президенти Тон Дик Тханг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ҳузурига шу бугуноқ жавоб визити билан келди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар муҳокама қилинган учрашувлар қардошларча дўстлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

ХАНОЙ, 3 октябрь (ТАСС махсус мухбирлари). ВДР президенти Тон Дик Тханг, Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети, ВДР Миллат мажлисининг доимий комитети ва ВДР ҳукумати бугун кечқурун Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси шарафига тантанали қабул маросимини ўтказдилар.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси, Миллат мажлиси, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва Вьетнам халқи номидан Тон Дик Тханг 245 миллионли қаҳрамон совет халқи вакилларини қизғин табриклади.

Вьетнам халқи Америка империализмига қарши миллий озодлик учун олиб бораётган кураши зафарли ривожланиб бораётган бир пайтда, деди Тон Дик Тханг, — совет делегациясининг визити катта аҳамиятга молик воқеа бўлиб, халқимиз учун илҳомлантирувчи кучли омил бўлиб хизмат қилади. Ватандошларимиз ва мамлакатимизнинг ҳамма жангчилари Сизни Совет Иттифоқига, Ленин Ватанига, Улуғ Октябрь революцияси Ватанига меҳру муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олмоқдалар.

Вьетнам халқи, — деб давом қилди у, — совет халқи билан азалдан бери олижаноб революцион ҳис-туйғулар, умумий душман — Америка империализми бошлиқ империализмга қарши, социализм билан коммунизмни муваффақиятли қуришдан иборат умумий идеал амалга оширилиши учун жанг қилаётган қардошлар ва ўртоқларнинг мустаҳкам жанговар бирдамлиги орқали чамбарчас боғланган. КПСС, Совет ҳукумати ва қардош совет халқи вьетнам халқининг одилона курашига ҳар томонлама жуда катта ва самарали моддий ёрдам, кучли маънавий ва сиёсий мадад бериб келдилар, ҳозирда ҳам шундай қилмоқдалар. Юксак пролетар интернационализмининг ана шу яққол ифодаси икки мамлакатимиз халқларининг улуғ дўстлиги ва бузилмас жанговар бирдамлигига янада кўпроқ ярашиб турибди.

Вьетнам халқи, — деди Тон Дик Тханг, — тинчликни, озодлик ва чинакам мустақиллик шароитларидаги тинчликни, Вьетнам халқининг асосий миллий ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши асосидаги тинчликни истайди. 1954 йилги Женева битимларида ҳам шу нарса тасдиқланади. Америка империалистлари ўзларининг агрессив кирдикорликларидан воз кечмас эканлар, Вьетнам халқи муҳтарам президент Хо Ши Миннинг васиятини бажара бориб, Лаос ва Камбоджа халқлари билан ёнма-ён турган ҳолда Америка агрессиясига қарши тўла ғалаба қозонгунча миллий халоскорлик учун уч фронтда — ҳарбий, сиёсий ва дипломатия фронтида курашни давом эттириш ва кучайтиришга, Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ва хавфсизлигига қилаётган тажовузкорлик ҳаракатлари учун Америка агрессорларини муносиб равишда жазолашга маҳкам бел боғлаган.

Вьетнам халқининг ватанини халос этиш учун Америка агрессорларига қарши олиб бораётган кураши, деди пировардида Тон Дик Тханг, — шубҳасиз шонли ғалаба билан тугайди, Америка агрессорлари албатта қақшатқич мағлубиятга учрайдилар.

Н. В. Подгорний тантанали қабул маросимида нутқ сўзлаб, бундай деди: совет кишилари ўзларининг вьетнамлик синфдош қардошларига меҳру-муҳаббат ва ҳурмат эҳтиром ҳислари билан қарайдилар. Биз, деди у, Вьетнамлик озодлик ва мустақиллик учун курашчиларнинг мардлиги ва жасоратига қойилмиз. Биз Вьетнам халқи Америка агрессорлари ва уларнинг гумашталари устидан тўла-тўкис ғалаба қозонади, деган ишончингизга қўшиламиз.

АҚШнинг империалистик доиралари ўзларининг Шарқий-Жанубий Осиёдаги авантюралари муқаррар мағлубиятга учрашининг олдини олиш учун кўп уринмоқдалар, деб давом қилди Н. В. Подгорний. Улар янги мустамлакачилик мақсадларига амал қилиб, ҳануз зўравонликка, қуролдан фойдаланишга умид тутмоқдалар. Вашингтондаги доиралар «Гуам доктринаси»ни эълон қилиб, «Вьетнамлаштириш» деб аталмиш йўлга ўтиб, Вьетнамда шу ердаги халқнинг туб манфаатларини ҳисобга олган ҳолда одилона асосда тинчлик ўрнатилишига эришишни истамаётганликларини намойиш қилмоқдалар.

Американинг ҳукмрон доиралари Парижда ўтаётган музокараларга ғўғаноқ солмоқдалар, аслида эса уни тўхтатиб қўймоқдалар, хилма-хил сиёсий найранглар ишлатмоқдалар, ВДР ҳукумати билан Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг таклифларини қабул қилишни қаттиқ туриб рад этмоқдалар. Ҳолбуки, ушбу конструктив таклифлар можарони сиёсий йўл билан бартараф этишга реал истиқболлар очиб беради.

Биз, деб таъкидлади Н. В. Подгорний, Совет Иттифоқи Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг 7 моддадан иборат таклифларини Шарқий-Жанубий Осиёда тинчликни гиклашнинг яхши замини деб қараши ва уни тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини неча бор гапириб келган бўлсак, бу ерда Вьетнам диёрида туриб ҳам шу гапни яна таъкидлаймиз. Биз Ҳинди-Хитой территориясидан Америка қўшинларини ҳеч кечиктирмай ва тўла-тўкис олиб чиқиб кетиш Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг ишларига четдан ҳар қандай аралашувни тўхтатиш тўғрисида Вьетнам халқи қўйган талаблар билан бирдамлашамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партиясини, деб давом қилди Н. В. Подгорний, жанговар дўстлик боғлаб турибди. Совет коммунистлари Вьетнам коммунистлари билан алоқаларимиз ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганлигидан ғоятда мамнундирлар.

Ўртоқлар, — деди у, — бизнинг сиз билан умумий ғоявий байроғимиз — марксизм-ленинизм бўлиб, марксизм-ленинизмнинг софлигини хоҳ ревизионистик, хоҳ догматик ҳар қандай оқим ҳужумларидан ва бузишларидан ҳимоя қилиб келдик ва бундан буён ҳам шундай қилаверамиз. Биз ленинчи пролетар интернационализми принципига доимо содиқ туриб келяпмиз; буюк ватанпарвар ва интернационалчи Хо Ши Мин шу принципнинг эътиқодли тарафдори ва ҳимоячиси бўлиб келган эди. Комил ишонч билан айтиш мумкин, қардош партияларимизнинг принципиал сиёсати халқларимиз ўртасидаги дўстликка замин бўлиб, шу дўстликнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Н. В. Подгорний айтдики, Совет Иттифоқи курашаётган Вьетнам билан, унинг ҳақли равишда Ҳинди-Хитой халқлари озодлик ҳаракатига пешқадамлик қилаётган мардонавор халқи билан бирга бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам худди шундай бўлиб қолажак. Совет кишилари Вьетнам халқининг ҳамма фронтлардаги — ҳарбий-сиёсий дипломатия фронтларидаги курашига, унинг Шарқий-Жанубий Осиёда социализм қўрғони — ВДРни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамма ишларида унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келдилар ва бундан кейин ҳам худди шундай қилаверадилар.

Н. В. Подгорний ўз нутқининг пировардида Совет партия-ҳукумат делегациясининг Вьетнам Демократик Республикасига қилган ҳозирги визити Совет — Вьетнам дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ СЕССИЯСИ

Меҳнаткашлар депутатлари Хоразм область Советининг сессияси бўлди. КПСС XXIV съездининг меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада кўтариш соҳасидаги кўрсатмаларини бажариш юзасидан меҳнаткашлар депутатлари Хоразм области маҳаллий Советларининг вазифалари муҳокама этилди. Бу масала юзасидан область ижроия комитетининг раиси Р. Эшчонов доклад қилди. Сессияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Турсунов сўзга чиқди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

Маданият муассасаларига эътибор

Андижон шаҳар партия комитети фабрика-завод клублари КПСС XXIV съездининг меҳнаткашларнинг маданий-ҳордиқ чиқаришларини яхшилаш тўғрисидаги талабларини қандай бажараётганини текширди. Сўнгги йилларда шаҳар корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари маданий-оқартув муассасалари фаолиятини яхшилашга катта эътибор бераётирлар. Ишчи клубларининг моддий базаси мустаҳкамланди, партия ва касаба союзлари белгилаган тадбирларни амалга оширишда уларнинг роли анча ортди. Машинасозлик, «Электродвигатель» заводлари, ёғ-мой комбинати ва бошқа қатор корхоналар клублари ва қизил бурчаклари меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялаш маркази бўлиб қолди. Аммо баъзи партия ва касаба союз ташкилотлари маданий-оқартув муассасаларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролига етарли эътибор бермаётирлар. Пойафзал ва мебель фабрикалари, ғишт заводлари бошқармаси ва пахта тозалаш заводи клубларидан фақат йиғилиш ва мажлислар ўтказиш пайтидагина фойдаланилмоқда.

Шаҳар партия комитети клубларнинг партия ғояларини оммага етказиш, ютуқларни оммалаштириш, халқ талантларини излаб топиш ва ўстиришда катта роль ўйнашини таъкидлаб, бошланғич партия ташкилотларига бу муассасалар фаолиятини назорат қилиб бориш, касаба союзлари ташкилотларининг маданий-оқартув соҳасида қилаётган ишини тез-тез муҳокама қилиб туриш вазифасини топширди. Корхоналардаги маданият ўчоқлари фаолиятини кучайтириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Янги шароитда—янгича иш

«Янгиерводстрой» трести коллективи хўжаликни юритишнинг янги усулига ўтганидан сўнг унинг фаолияти анча яхшиланди. Суғориладиган ерларни ишга тушириш, меҳнат унумдорлиги ва даромадлар бўйича белгиланган планлар ошириб бажарилаяпти. Бу муваффақиятлар ислоҳотга амал қилингани ва ишлаб чиқаришга мунтазам ташкилий-хўжалик ва партиявий таъсир ўсганлиги натижаси бўлди.

Сирдарё область партия комитети «Янгиерводстрой» трестининг планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системаси жорий этилган айни вақтдаги фаолиятини муҳокама қилар экан, «Голодностепьстрой» бошқармаси ва «Янгиерводстрой» трестига қурилиш монтаж ишлари ҳамда суғориладиган ерларни хўжалик оборотига киритиш планларини ишлаб чиқиш ва ижрочи ташкилотларга етказиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида тақдим этиш, зарур ускуналар ва механизмларни етказиб бериш, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш устидан назорат ўрнатиш вазифасини топширди. Трест қурилиш партия ташкилотларининг диққат-эътиборини ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг топширилган иш учун жавобгарлигини тинмай оширишга қаратилди.

Хўжаликка раҳбарлик—диққат марказида

Хўжаобод райони энергетиклари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалик ишларини электрлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Электр энергияси ишлаб чиқариш ва етказиб бериш плани ошириб бажарилди. Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводи, 5 та пахта тайёрлаш пункти, 2 та совхоз, 21 колхоз, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг 3 та ишлаб чиқариш бўлими электр энергияси билан етарли таъминланмоқда. Бу муваффақиятларда район электр тармоқлари партия ташкилотининг ҳиссаси катта, албатта.

Аммо партия ташкилоти фаолиятида ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам содир бўляпти. Партия ташкилоти колхоз объектларида электр қувватини тўла ишга тушириш, устахона ва фермаларга электр энергиясини узатишни назорат қилиб боришни таъминламаётир, колхозларга амалий ёрдамни етарли кўрсатилмаётир. Касаба союзлари, комсомол ташкилотлари ва халқ контроли постларига партиявий раҳбарлик талаб даражасида эмас.

Хўжаобод район партия комитети партия ташкилотларига хўжаликка раҳбарлик қилишда партия ташкилотларининг роли ҳамда коммунистларнинг қишлоқ хўжалигини электрлаштириш тадбирларини амалга оширишдаги фаолиятини кучайтириш масалаларини мунтазам муҳокама қилиб боришни топширди.

Тошкент ремонт-механика заводининг ишчилари Октябролди мусобақасига қўшилиб уни тобора авж олдирмоқдалар. Суратларда: 1-механика цехининг токарлари Б. Шоқосимов (юқорида) ва А. Попов. Улар берилган топшириқларни мунтазам ошириб бажариш билан ҳаммага ўрнак бўлаётирлар.

И. Глауберзон фотолари.

МЕҲМОНЛАР ҚАДИМИЙ БУХОРОДА

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

БУХОРО («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Байрамлардагидек безатилган Бухоро аэропортида қардош Қозоқ адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари самимий кутиб олинди. Декада қатнашчилари билан бирга Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Қозоғистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари К. Б. Билолов, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири М. И. Есеналиев, Қозоғистон ССР Маданият министри М. Б. Бозорбоев, Қозоғистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот давлат комитетининг раиси Ш. Елеукенов, Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитетининг раиси З. И. Есенбоев, Қозоғистон ССР Кинематография давлат комитетининг раиси А. С. Федулин, Қозоғистон ССР Театр жамиятининг раиси, СССР халқ артисти Р. У. Жаманова ўртоқлар ҳам бу ерга келдилар. Меҳмонларга нон-туз тутилди. Пионерлар гулдасталар тақдим этишди.

Шундан сўнг қозоғистонлик дўстлар кўҳна шаҳарнинг тарихий обидалари ва янги қурилишлари билан танишдилар. «ВЛКСМ XX йиллиги» тикувчилик, зардўзлик фабрикаси, қоракўл тери ошлаш заводи ишчилари ҳузурида бўлдилар. Коммунистик меҳнат зарбдорлари, новаторлар билан суҳбатлашдилар.

Кечқурун область театри биносида декада қатнашчиларининг шаҳар жамоатчилик вакиллари билан учрашувига бағишланган дўстлик кечаси бўлиб ўтди.

Кеча охирида қозоғистонлик санъат усталари иштирокида концерт қўйиб берилди.

Т. НАЗИРОВ.

БЎРОН

Тахови АХТАНОВ,
Абай мукофоти лауреати.

(РОМАНДАН ПАРЧА)

◆ ◆

Бешинчи куни кеч кирганда бўрон тинди. Бу орада Қўспан Қузғун чўлининг нариги четидаги Кичкина қум деган яйловга яқинлашиб қолган эди. Бу ердан то унинг қўши ва хотини Жанел турган қўтангача юз чақиримдан ортиқ юриш керак эди. Қўйлар беш кундан бери бўронда ҳеч нарса емай жуда ҳолдан тойган, қатқалоқ музларда туёқлари шилиниб, баъзилари юролмайдиган бўлиб қолган эди. Бир вақт Қўспан қараса, қўйлар очликдан бир-бирларининг юнгларини шартта-шартта юлиб еяпти. Юнгсиз қўй қор-совуққа чидамай тез ўлади. Қўспан қўйларнинг орасига от солиб кирди-да, уларни хашаги бор Кичкина Қумга қаратиб ҳайдай бошлади.

Қўйларнинг хушёрроқлари олдинда емиш борлигини сезишди, чамаси. Кичкина Қумнинг шувоқзорларига қараб интила бошлашди. Аста-секин бошқа қўйлар ҳам уларга эргашди. Ярим кечада тўрт юздан ортиқ қўйнинг ҳаммаси шувоқзор яйловга етиб борди-ю, атрофга ёйилиб, жон жаҳди билан қор тагидан шувоқ кавлаб ейишга тушди.

Паға-паға булутлар орасида ой сузиб юрипти. Қўспаннинг назарида, ой ҳам бўрон азобларидан чарчаб чиққандай хира тортиб, қалқиб турипти. Қўспан эгардан тушиб, жийрон отни етаклаб, секин-аста боряпти. Бадани иситмалаб тиришади, биқинида ёмон бир санчиқ пайдо бўлган. Унинг энг зўр истаги, панароқ бир жой топиб, пўстинга ўраниб, бир пасгина ётиб олиш. Фақат оч қўйлар емишнинг кетидан қувиб тарқаб кетгани ёмон бўлди. Шунча азоблар билан сақлаб қолинган сурувни кечаси нотаниш яйловда қаровсиз қолдирса қандай бўларкин? Қўспан шуни ўйлаб иккиланиб турганда шимол томондаги пастак тепалик ортида ҳазин ва чўзиқ бир товуш эшитилди. Бўри улимоқда эди. Ғарб томондан иккинчи бир бўрининг ҳам улигани эшитилди. Сўнг яна бир бўрининг овози аввалгиларига жўр бўлди.

Қўспаннинг эти жунжикиб кетди. Қиш чилласида кўплашиб улиётган бўрилардан қўрққулик эди!

Қўспан сакраб отга минди-ю, бўрилар улутан томонга шошилди. Ўша тарафда ёйилиб юрган қўйлар ҳар қанча оч бўлишса ҳам, бўрилар овозидан ҳуркиб, маърабб, беригн ёққа қочиб келмоқда эдилар.

Қўспан бутун кучини овозига бериб чўпончасига қийқирмоқчи бўлди. Аммо бўронда томоғи ҳам шамоллаб, овози бўғилиб қолган эди, товуши хириллаб зўрға эшитилди. Итларнинг ҳуриши ҳам заиф эди. Олачалпоқ ой ёруғида сурувга яқинлашиб келаётган бўрилар бир кўриниб ўтди. Олдинда эшакдай келадиган ёлдор йўлбошловчиси бор. Унга яна тўрт-бештаси эргашган. Қўспан бўриларнинг йўлини кесиб чиқишга улгуролмади. Унинг тагидаги жийрон ҳам чарчаб яхши чополмай қолган эди. Бўрилар сурувнинг нариги четига ёриб кирди-ю, бир пасда қўйлардан беш-ўнтасининг ичини ёриб кетди. Бу даҳшатли йиртқичларнинг ҳаммаси уч-тўртта қўйнинг гўшти билан тўйишлари мумкин эди. Аммо улар қўйларни бирин-кетин ағанатиб, ичини ёриб кетаверишга одатланган эдилар.

Қўспан бутун сурувдан ажраб қолиши мумкинлигини сезди-да, қўлидаги сўйили билан газандалардан бирининг қангшарига туширди. Бўри ағанаб тушди, аммо жони қаттиқ йиртқич тишларини қарсиллатиб, Қўспаннинг тагидаги отга қараб ташланди. Шунда Қўспаннинг ити Мойлиоёқ бўрининг бўйнидан тишлаб олди. Бўронда ҳолсизланиб қолган бу бечора ит зўр бўрининг ўткир тишларидан қорни ёрилиб, ўлимга маҳкум бўлди. Аммо бўрининг бўғизига ботган итнинг тишлари аллanечук қамашиб, жағи очилмайдиган бўлиб қолган эди. Шунинг учун бўри ҳам ўзи ўлдирган итнинг тишлари орасида жон берди.

Нариги Бўйноқ ит ҳам бўрилар билан олишмоқда эди. Қўспан ўша томонга қараб от чоптирди. Оёқ остидаги қорга сачраган қора қонлар, ичак-чаваги ағдарилиб, маъраб жон бераётган қўйлар, қоронғида кўзлари оловдай ёнган бўрилар, итнинг вангиллаши, Қўспаннинг бўғиқ кичқириқлари бир-бирига аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бу ҳаммаси Қўспаннинг ўнгида бўляптими, тушида бўляптими, ажратолмас эди. Қўспан бўрилар тўдасида қолган Бўйноқни қутқармоқчи бўлиб интилди. Бир пайт газандаларнинг йўлбошчиси бўлган ўша ёлдор бўри «лип» этиб Қўспан минган отнинг тагига кириб кетди. Шунда бир нарса «шарт» этиб кесилди, Қўспаннинг тагидаги от аввал осмонга сакраб, қисқа бир кишнади-ю, кейин ўмрови билан қорга йиқилди. Қўспан ҳам қорга ағанаб тушди. Оёғини отнинг тегидан суғуриб олиб қараса, жониворнинг ичаклари осилиб ётипти. Бир ҳамла билан отнинг қорнини ёрган боғи ёлдор бўри энди Қўспанга қараб ташланди. Қўспан сўйилини кўтарди, таёқ бўрининг елкасига тегди-ю, Қўспаннинг қўлидан чиқиб кетди. Эшакдай келадиган ёлдор бўри Қўспанга қараб сакраганда Қўспан этиги билан унинг ўмровига тепди. Бўри тепкини писанд қилмай яна ҳамла қилди. Шунда Қўспан икки қўллаб бўрининг бўйнидан чангаллаб олди. Бўри ўткир тирноқларини Қўспаннинг пахталигига санчиб бир силтанди. Пахталик шатир-шутур йиртилиб кетди, бўрининг ҳўл бўлган бўйин юнги Қўспаннинг қўлларидан чиқиб кетишига сал қолди. Аммо Қўспан бутун кучини қўлларига бериб, бўрининг кекирдагини шундай кисдики, йиртқич хириллаб, охири бўшаша бошлади. Унинг сўлаклари Қўспаннинг қўлига сачраб жиркантирар, сассиқ оғзи кўнглини беҳузур қилар эди. Бу ҳолат қанча давом этганини Қўспан аниқ билмайди. Бир вақт бўрининг тили осилиб тушди, ўзи халтадай бўшашиб қолди. Қўспан энди қўлини бўшатиб олиши мумкинлигини сезди. Аммо қўли унга итоат этмас, темир сиртмоққа ўхшаб, бўрининг томоғига ёпишганича қотиб қолган эди. Қўспан бир тиззасини ерга тираганича ярим беҳуш аҳволда яна бир пас турди. Ниҳоят, ўлган бўрининг оғирлиги таъсир қилдими, ёки қўлидаги карахтлик сал тарқадими, чангали хиёл бўшашди. Қўспан увушиб, жонсиз бўлиб қолган қўлини уқалай-уқалай, анчадан кейин ўзига келди.

Йўлбошловчисидан ажралган нариги бўрилар қиладиганини қилиб бўлиб, қочиб кетган эди. Қўспан тонг отганда тирик қолган қўйларини йиғиб, қўшларига томон пиёда йўл олди.

Қозоқчадан

Пиримқул ҚОДИРОВ
таржимаси.

МАМЛАКАТ ФИЗИОЛОГЛАРИНИНГ СИМПОЗИУМИ

АНДИЖОН, 4 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда физиологлар ва патологларнинг Бутуниттифоқ симпозиуми очилди. Анжуманда 25 шаҳардан келган мутахассислар иштирок этмоқда. Форум СССР Фанлар академияси «Одам ва жониворлар физиологияси» бирлашган илмий кенгаши, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги медицина кенгаши олимлари ва М. И. Калинин номли Андижон давлат медицина институти томонидан чақирилди.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов қатнашди.

Бу нуфузли учрашувда уч кун мобайнида ош қозон физиологияси ва патологиясининг муҳим масалаларига доир тўқсондан ортиқроқ доклад ва нутқ тингланади.

РЕСПУБЛИКА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

магистрал каналлар ёқасида, гидротехник иншоотлар зонасида ва сув омборлари атрофида 20,3 миллион туп иҳота дарахтлари экилсин, автомобиль йўллари ёқасида умумий фойдаланиш учун 3 миллион 489 минг туп дарахт экилсин

тоғ этаклари зоналарида грек ёнғоғи, писта, бодом дарахтлари ўстиришнинг қулай имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланилсин, 10 минг гектар майдонда ёнғоқ мевали дарахтзорлар вужудга келтирилсин;

асалари оилаларининг сони 5,3 минг уяга ва сотиладиган асал миқдори 1975 йилнинг охирида 700 центнерга етказилсин.

Тошкент, Андижон ва Самарқанд областларининг ижроия комитетлари ҳамда ўрмон хўжалиги Давлат комитетига таянч кўчатзорлар барпо қилиш учун ер ажратиш тавсия қилинди.

«Узгипрозем» институтига тоғ ёнбағирларида поғоналаб дарахтлар ўтқазиш, иҳота ўрмонзорлари вужудга келтириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш топширилди.

«Союзгипролесхоз» институтининг Ўрта Осиё филиалига қумлоқ жойларни мустаҳкамлаш ва ўрмонлаштириш, тоғли жойларда ўрмонлар барпо қилиш ҳамда 1971—1975 йилларга мўлжалланган бошқа ўрмон мелиорацияси ишлари бўйича лойиҳа-қидирув ишларини бажариш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети зиммасига ўрмон хўжаликлари учун кадрлар танлаш, уларнинг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига чуқурроқ ёндошиш, ўрмон хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятлари, ўрмон ва ундаги ҳайвонот дунёсини сақлашнинг аҳволи ҳақидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ва пайхон қилишга қарши чоралар кўришни, иҳота дарахтзорлари учун хўжаликларнинг ўз вақтида ер ажратишини, тоғ ёнбағирларида поғоналаб дарахтлар ўтқазишни, иҳота дарахтзорларидаги ва тоғ ёнбағирларидаги дарахтларнинг сақланишини назорат остига олиш вазифалари юкланади.

Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликларига ва уларнинг жойлардаги ташкилотларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига иҳота дарахтзорларини барпо қилишни янада ривожлантириш, кўчатзорларни парвариш қилиш ҳамда уларни моллар пайхон қилишидан, дарахтларни ковлаб олиш ва ҳайдаб юборишдан сақлаш чораларини кўриш таклиф этилди.

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институтига иҳота дарахтзорларини вужудга келтириш, тоғлиқ жойларни ўрмонлаштириш, чўл яйловларининг аҳволини яхшилаш, арча дарахтлари ўстиришга доир тавсиялари ва илғор технологияларини ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш ҳамда тоғлиқ жойларда кўчат экувчи селялка яратиш, саксовул уруғларини йиғиш, саксовул ва черкез уруғларини экиш учун трактор селялкалари яратиш ҳамда грек ёнғоғи ва бодом меваларини йиғиш учун машиналар ишлаб чиқишни тезлаштириш вазифаси топширилди.

Ўрмон хўжалиги Давлат комитетига, Совхозлар, Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига республика қишлоқ хўжалиги, сув ва ўрмон хўжаликларининг олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис ўрмоншуносларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ўрмон хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш ҳақида Давлат план комитетига таклифлар киритиш ҳамда Тошкент ўрмон мелиорацияси ва агротехникаси техникумини қайта тиклаш таклиф этилди.

Соғлиқни сақлаш, Савдо, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Алоқа. Энергетика ва электрлаштириш министрликларига, «Ўзбекбирлашув»га ўрмон хўжалиги Давлат комитети билан биргаликда ўрмон хўжалиги ходимларига, айниқса республиканинг узоқ чўл ва тоғ районларидаги ўрмон хўжалиги ходимларига медицина, савдо, маиший, электр, телефон ва радио алоқаси хизматларини йўлга қўйиш чораларини амалга ошириш топширилди.

Савдо министрлигига ўрмон хўжалиги Давлат комитети билан биргаликда Тошкент шаҳрида аҳолига экиш учун кўчатлар, гуллар, ўрмончилик, богдорчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотадиган «Табиат совғалари» магазини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Ўрмон хўжалиги Давлат комитетига колхоз ва совхозларда эрозияга қарши курашиш учун ва тоғ ёнбағирларида поғоналаб дарахтлар ўтқазиш учун, чўл яйловларнинг аҳволини яхшилаш, ёнғоқ мевали ва иҳота дарахтзорларини вужудга келтириш учун тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналари ажратиш кўзда тутилади.

«Узсельхозтехника» бирлашмаси ўрмон хўжаликларини эҳтиёт қисмлар билан тўхтовсиз таъминлаб туриши, бу хўжаликларга тегишли тракторлар ва автомобилларни бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари техникаси билан бир қаторда ремонт қилиши зарур.

Қишлоқ қурилиши министрлигига ўрмон хўжалиги Давлат комитетининг объектлари қурилиши планини бажаришни таъминлаш ва Давлат план комитети билан ўрмон хўжалиги Давлат комитети биргаликда 1972 йилдан бошлаб ўрмон хўжаликларида пудрат йўли билан қурилишлар ҳажмини кўпайтириш масаласини ҳал қилиш топширилди.

«Ташгипрогор» лойиҳа институтига 1972 йилнинг 1 августига қадар Тошкентда ўрмончилар уйи қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш вазифаси топширилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, Бухоро Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё область ижроия комитетларига саксовул ва шифобахш ёввойи ўтларнинг уруғларини йиғиш учун ишчи кучи ажратиш таклиф этилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига ўрмон хўжаликларида ишларнинг бориши ҳақидаги материалларни мунтазам ёритиш новатор ўрмончиларнинг илғор тажрибасини пропаганда қилиш вазифаси топширилди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети комил ишонч билдиридики, КПСС XXIV съезди қарорларидан руҳланган республика ўрмон хўжаликларининг ходимлари социалистик мусобақани янада авж олдириб, олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақият билан ҳал қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Ўзининг навбатдаги мажлисида меҳнаткашлар депутатлари Андижон шаҳар Советининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилди.

Андижон шаҳар ижроия комитетининг раиси А. Ж. Жалиловнинг докладида ва нотиқларнинг нутқларида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, шаҳар Совети, унинг ижроия комитети, доимий комиссиялари ва депутатлари съезд қарорларига амал қилиб, ўзларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ишларини кучайтириб юбордилар, аҳоли орасидаги ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни яхшиладилар, омманинг ижодий активлигини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бера бошладилар.

Саноат корхоналари ва қурилишларнинг коллективлари янги оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Ишлаб бошлаган бери кўп миқдорда қўшимча маҳсулот реализация қилинди, мингдан ортиқ илғор ишчи йиллик планни бажариб бўлди, коммунистик меҳнат зарбдорлари кўпайди.

Шаҳарда капитал ва уй-жой қурилиши, коммунал хўжалик янада ривож топди, Мактаблар, касалхоналар, болалар боғча ва яслилари, савдо-сотиқ ва маданий-маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар иши яхшиланди.

Лекин шаҳар Совети, унинг ижроия комитети, бўлимлари ва муассасалари шаҳар хўжалигига раҳбарлик даражасини оширганларида, камчилик ва нуқсонларга йўл қўймаганларида шаҳар қурилиши соҳасида муваффақиятлар бундан анча кўпроқ бўлар эди. Баъзи бир саноат корхоналари маҳсулотни реализация қилиш, унинг таннархини пасайтириш юзасидан белгиланган саккиз ойлик планни бажармади. Бир қанча завод ва фабрикаларда меҳнат интизоми ҳали ҳам паст, кадрлар қўнимсизлиги камаймаётир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Андижон шаҳар Советига мавжуд нуқсонларни тугатишни, ўзининг фаолиятини халқ хўжалик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, КПСС XXIV съезди қарорларини ҳеч сўзсиз бажаришга қаратишни топширди.

Олий Совет Президиуми бошқа масалаларни ҳам қараб чиқди.

(ЎзТАГ).

Дўстлик райони пахтазорларида ҳаёт қайнайди. Машиналар бетиним ишлаб турибди. Механизаторлар мусобақасида Ленин номли совхоз дала гвардиячилари пешқадамлик қилишяпти. Тўртинчи бўлимнинг механик-ҳайдовчиси Салима Жўраева ҳам ҳар куни бункердан 12-13 тонна пахта тўкмоқда. СУРАТДА: С. Жўраева. А. Тўраев фотоси.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ДЎСТЛИК РАЙОНИ ПЛАННИ БАЖАРДИ

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ АСОСИДА

Р. ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон КП Дўстлик район комитетининг биринчи секретари.

Партия ва ҳукуматимиз кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтириш юзасидан муҳим тадбирларни белгиладилар ва амалга оширдилар. КПСС Марказий Комитетининг июль (1970 йил) Пленуми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги истиқболини эшиклаб берди. Жонажон партиямизнинг XXIV съезди қарорлари бутун Совет халқи қатори районимиз меҳнаткашларининг ҳам ғайрат ва илҳомларини жўш урдириб юборди, уларни янги меҳнат зафарларига отлантирди.

Ватан Дўстлик райони пахтакорларидан 36 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу ҳосилнинг ҳаммаси машиналар билан терилди. Олдимизда иккинчи довон — 52 минг тоннали марра турибди. Бу марра ҳам албатта эгалланади.

Бизнинг олдимизда пахтачиликни комплекс механизациялаш, оғир қўл меҳнати талаб қиладиган пахта теримидек машаққатли ишни машиналар зиммасига юклаш, техникаларнинг юксак унум билан ишлашини таъминлашдек жуда муҳим вазифа турибди. Ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олиш юзасидан белгиланган тадбирларимизни, районимиз пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг республикадаги барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, механизаторларига, «Узсельхозтехника» ҳамда тайёрлов пунктларининг ходимларига Мурожаатини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади ва қўллаб-қувватлади. Партиямиз Марказий Комитетининг кундалик қилаётган ғамхўрлигидан ва ёрдамидан илҳомланган районимиз меҳнаткашлари ғайрат билан ишладилар.

Районимиз пахта далаларида 700 дан ортиқ машиналар тўхтовсиз ишлаб турди. Уларнинг кундалик иш унуми 4—5 тоннани ташкил қилди. Биз кунига 5-5,5 процент миқдорида пахта тайёрлаш ва давлатга топиришга муваффақ бўлдик. Айрим бригадалар йиллик планни 3-4 иш кунида бажаришга эришди.

Ленин номли совхознинг Қўйсинбой Муллаев, Омон Усмонов, Саркисов номли совхознинг Тошқул Норбоев, «Комсомол» совхозининг Раҳим Қузиев, Чўтбой Номозов, Ҳазрат Шерматов, Қосим Раҳимов номли совхознинг Норбек Турабеков ўтоқлар бошқараётган бўлимлар биринчи теримдаёқ ҳар гектаридан 18-25 центнердан ҳосил хирмони кўтардилар. Бу бўлимлар ҳозирги пайтда гектаридан 30-35 центнер ҳосил учун курашмоқдалар.

Машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мамажон Дадажонов раҳбарлик қилаётган Ленин номли совхоз коллективи бу йил мисли кўрилмаган катта меҳнат зафарига эришди. Совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 18 иш кунида бажарди. Пахтанинг ҳаммаси машиналар билан териб олинди. Совхоз пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 5 минг тонна пахта топириш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилдилар.

«Комсомол» совхози районда иккинчи бўлиб маррага етиб келди. Бу совхозда ҳам мажбурият ҳисобига пахта топириш кун сайин қизитилмоқда. Ҳар куни йиллик планга нисбатан 4-5 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда. Қосим Раҳимов номли совхоз коллективи ҳам катта меҳнат зафарини қўлга киритди.

Ленин номли совхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Тўлан Дадажонов катта ташаббус бошлаб берди. У тўрт қаторли агрегат билан мавсум давомида 600 тонна пахта териш юзасидан мажбурият қабул қилди. У ҳозирги кунгача 400 тонна пахтани хирмонга тўкди. Ҳар куни 25-30 тоннадан пахта тераётир. Тўлан Дадажонов ташаббусига қўшилган шу совхознинг механик-ҳайдовчилари Шамсиқамар Гўхтаева, Омонулла Равшанов, Салимахон Жўраева, «Комсомол» совхозидан Умрзоқ Эгиликов, Ҳазрат Пирматов, «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Отабой Ҳусанов, Бўстаной Қўчқорова, Сафар Раззоқов ва бошқа ўнлаб механик-ҳайдовчиларимиз ҳозирги кунга қадар 120-250 тоннага етказиб пахта териб қўйдилар. Ленин номли совхознинг коммунист Омонулла Равшанов раҳбарлик қилаётган бригада коллективи рекорд ҳосилни қўлга киритди. 120 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнер ҳосил хирмони кўтарди. Бригада азаматлари, ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Районимизнинг келажаги янада порлоқдир. Янги беш йиллиқда олтита янги совхоз ишга туширилди. 1975 йилга келиб яна ҳосил 100 минг тоннага етказилади. Беш йилликда 40 минг гектар янги ер очилади. Боғдорчилик совхозлари ғаштки топади. Деярли ҳамма совхозларда чорвачилик базалари ташкил қилинади.

Йиллик давлат плани бажарилган бўлса ҳам ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Районимиз пахтакорлари ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларни 25 октябрга қадар бажариш учун ғайрат камарини белга маҳкам боғлаб ишлаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Сирдарё областининг Дўстлик райони пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг республикадаги барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, механизаторларга, «Узсельхозтехника» ҳамда тайёрлов пунктларининг ходимларига Мурожаатини маъқуллади ва область ҳамда район партия комитетларига, совет, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органларига ана шу Мурожаатни барча колхозларда, совхозларда, тайёрлов пунктларида, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларида кенг муҳокама қилишни, давлатга пахта топириш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада ривожлантиришга, йиғим-терим техникасидан тўла қувват билан фойдаланишга, меҳнатга қобилиятли бўлган қишлоқ аҳолисини ҳосил теримига максимал жалб этишга имкон берувчи тадбирларни белгилаш ва амалга оширишни топширди.

(ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИДАН).

ИККИ БАРАВАР КЎП

Т. НОРБОЕВ,
А. Саркисов номли совхознинг бўлим бошқарувчиси.

Бизнинг бўлим районимизда биринчи бўлиб маррага етиб келди. Йиллик планни 10 иш кунида — 20 сентябрда бажардик. Далаларимиздa 15 та терим агрегати тўхтовсиз ишлаб турибди.

Шодмон Тўрақулов, Ғайбулла Аҳмедов, Ортиқбой Абдураззоқов бошлиқ бригадалар пахта тайёрлаш йиллик планларини икки-уч баробар қилиб бажариш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилдилар.

Бўлимимизда 685 гектар пахта майдони бор. Ҳар бир ишловчига 10 гектардан ер тўғри келади. Бизда бир кишига ўрта ҳисобда 40 тонна пахта етиштириладиган 600 минг сўм соф фойда олишни мўлжаллаб турибмиз.

Бўлимимиз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўришиб йиллик планни икки баравар қилиб бажариш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар. Бу мажбуриятни шараф билан адо этиб, районимизнинг катта хирмонига муносиб ҳисса қўшамиз.

Сирдарё области. Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз пахтакорлари райдонда биринчи бўлиб маррага етдилар. Бунда совхоз механизаторларининг илғорларидан Тўланбой Дадажоновнинг ҳиссаси катта. У ҳозирга қадар 300 тонна «оқ олтин» териб қўйди. Суратда: Т. Дадажонов. А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

Ҳайитбой Уралов «Комсомол» совхозидагина эмас, балки Дўстлик районида ҳам донг таратган. У мавсумда 200 тонна пахта термоқчи. Шу кунларда «зангори кема» бункеридан 9-10 тоннадан дур тўкиб, илғорлар safida бораётир. СУРАТДА: механизатор Ҳайитбой Уралов. А. Тўраев фотоси.

ЯНА 4 МИНГ ТОННА

А. ҚУЛБЕКОВ,
Дўстлик районидаги «Комсомол» совхозининг директори.

Совхозимиз чўл қўйнида 1966 йилда ташкил топган эди. Ўтган беш йилликда ҳар йили ўрта ҳисобда 10 минг тоннадан зиёд пахта топириб келдик. Биз пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлида тинмай иш олиб борляпмиз. Машина терими йил сайин кучаймоқда. Ўтган йили умумий даромадимиз 7,5 миллион сўмга етди. Соф фойда эса 2 миллион 216 сўмни ташкил этди.

Бу йил совхозимиз коллективи партия ва ҳукуматимиз томонидан чўлқуварларга қилинаётган оталарча ғамхўрлик ва катта ёрдамга таянib, пахтачиликни янада ривожлантириш, мўл ва арзон пахта олишга йил бошидан пухта ҳозирлик кўрдилар. Совхоз дирекцияси ва партия комитети, ишчилар комитети чигит экишни қисқа муддатларда сифатли ўтказиш, ғўза парваришини намунали олиб бориш, йиғим-теримга тайёргарлик ва ҳосил тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим давр — йиғим-теримни ўтказиш каби масалалар бўйича тадбирлар белгилаб олиб, совхознинг барча меҳнат аҳлини янги зафарларга чорлади. Бизда пахта теримини асосан машиналар ҳал қилади. Буни ҳисобга олиб, ғўзаларни машинабоп қилиб парваришладик. Дефолиацияни ўз вақтида ўтказдик. 190 та терим агрегати сифатли ремонтдан чиқарилди. Механик-ҳайдовчи кадрларнинг малакасини ошириш, уларни катта масъулият билан ишлаш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бердик.

Совхозимизда 6000 гектар пахта майдони бор. Бу йил 15 минг тоннали хирмон учун курашяпмиз. Шу кунгача давлат хирмонига 11 минг тоннадан зиёд пахта тўкилди. Районда иккинчи бўлиб маррага етиб келдик. Биз йиллик планни теримда қўл кучини бутунлай ишлатмай муваффақиятли бажардик. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Совхозда мавжуд бўлган ҳар бир машина ҳисобига шу кунга қадар ўрта ҳисобда 60 тоннадан пахта териб олинди. Бизнинг совхозимизда ҳар бир ишловчи ҳисобига 15 тоннадан пахта олиш мўлжалланяпти.

Совхоз бўйича биринчи теримда ҳар гектаридан 16 центнеридан ҳосил олинди. Иккинчи теримда эса 6-7 центнерга тўғри келмоқда. Айрим бўлим ва бригадаларда ҳосилдорлик пландагига қараганда 1.5-2 баравар ошмоқда. Раҳим Қўзиев, Лопас Хўразов, Ҳазрат Шерматов бошқарувчилик қилаётган бўлимлар гектарига 25-32 центнер, Ғаффор Шодмонов, Самад Шокиров, Ғаффор Анорбоев, Қўчим Мансуров, Сулаймон Бобоназаров, Товбой Юсупов бошлиқ бригадалар эса ҳосилдорликни 35-40 центнерга етказиш учун ҳаракат қиляптилар.

Дала гвардиячиларимиз бу йил мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Умрзоқ Эгиликов ҳозирга қадар икки қаторли машинадан 250 тоннадан ортиқ пахта териб берди. Унинг изидан бораётган Ўлжабой Қодиров, Сафар Раззоқов, Мусурмон Латипов, Бозорбой Душаев каби пўлат от суворийлари 150-230 тоннадан дурдона териб хирмонга тўкдилар. Улар кунлик суръатни ҳозир ҳам 8-10 тоннага етказмоқдалар.

Совхозимиз коллективи пландан ташқари яна 4 минг тонна «оқ олтин»ини она-Ватанга етказиб бериш юзасидан юксак мажбурият қабул қилган. Бу мажбурият яқин кунларда албатта бажарилади. Биз бу йил пахтанинг ўзидан 7 миллион 800 минг сўм даромад олиш, соф фойдани 2.5 миллион сўмга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Улуғ Октябрнинг шонли 54 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган совхозимиз коллективи даладаги ҳосилнинг бирор граммини ҳам ерда қолдирмай йиғиб-териб оладилар ва янги беш йилликнинг биринчи йилини ҳар качонгидан ҳам катта ютуқлар билан якунлайдилар.

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

Бўстоной ҚУЧҚОРОВА,
«Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси.

Субутли киши ваъда беришдан олдин имкониятларини ҳисоблаб кўради, куч-ғайратини чамалаб чиқади. Ҳамма нарсага кўнгли тўлгач, ваъда беради-ю, унинг бажарилиши учун курашади. Эл-юрт олдида ваъда қилиб бажармаслик — бебурдликдир. Совхозимиз пахтакорлари бир сўзли, меҳнатсевар кишилардир. Улар ваъда қилдими — бажаради, сўз бердими — устидан чиқади. Биз шунга одатланганмиз.

Масалан, мен бу йил «зангори кема»да 200 тонна пахта териш мажбуриятини олган эдим. Шу кунга қадар 120 тонна пахта тердим. Ҳар куни хирмонга машина бункеридан 7-8 тонна дурдона тўкяпман. Районимиз, совхозимиз пахта тайёрлаш йиллик планини бажарган бўлса ҳам ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Мен мавсум охиригача 200 тонналик маррани сўзсиз эгаллайман.

Бизнинг оиламизни механизаторлар оиласи дейишади. Бу гапда жон бор. Умр йўлдошим Баҳром Давронов ҳам мен билан ёнма-ён туриб «зангори кема»ни бошқаради, у плак тўлган кунгача 100 тоннадан ошириб пахта терди, шу кунларда теримни жадал суръатлар билан олиб бораяпти.

Районимиз республикада биринчилар қаторида маррага етди. Бизни бундай муваффақиятга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Дўстлик райони меҳнаткашларининг ташаббуси ҳақидаги қарори илҳомлантирди. Қарорда механизаторларнинг меҳнатига юксак баҳо берилди. Биз бундан кейин ҳам шу йўлдан борib механизаторлик касбини шарафлайверамиз. Бизга билдирган катта ишончи учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига миннатдорчилик билдирамиз.

Қолган ҳосилнинг ҳаммасини қўл кучи ишлатмасдан ва сира нобud қилмасдан теримоқ оламиз, зарур топилган чоғда тўкилган пахтани терадиган, кўсак уядиган ва кўрак чувийдиган агрегатларни ишга туширамиз.

ХЎЖАЛИГИМИЗ РАВНАҚИ

СССР Давлат банкининг 50 йиллигига

Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида СССРнинг йирик саноат районларидан бирига айланди. Ҳозир республикада 1200 дан ортиқ замонавий йирик саноат корхоналари ишлаб турибди. Партия XXIV съезди Директиваларида Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини 46-49 процент ўстириш кўзда тутилган. Республиканинг индустриал тараққиёти моддий ишлаб чиқаришнинг тармоқларини ҳар томонлама юксалтириш, аввало қишлоқ хўжалиги ва унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш учун асос бўлди.

Мамлакатни социал-иқтисодий қайта ўзгартиришда кредит-пул системаси муҳим роль ўйнайди.

В. И. Ленин жамиятни қайта қуришда, янги ишлаб чиқариш муносабатларини барпо этишда банк системасининг аҳамиятини ҳисобга олиб, йирик банкларсиз социализмни амалга ошириб бўлмайди, йирик банклар социализмни амалга ошириш учун бизга зарур бўлган ва капитализмдан биз тайёр ҳолда оладиган «давлат аппаратидир» деб таъкидлаган эди.

Банкларнинг национализация қилиниши ва банк ишига давлат монополияси ўрнатилиши социалистик кредит системасини барпо этишга асос бўлди. Бутун Россия марказий ижроия комитетининг 1917 йил 27 декабрдаги Декрети билан хусусий банклар национализация қилиниб, давлат банкига қўшилди. Шундан сўнг давлат банки халқ банки деб атала бошлади. Бунинг натижасида Совет ҳокимияти пролетариат диктатурасининг сиёсий ва иқтисодий базисфаларини амалга ошириш учун зарур бўлган пул ресурсларини ўз ихтиёрига олди ва контрреволюцияни асосий маблағ манбаидан маҳрум қилиб қўйди.

1921 йил июлида В. И. Ленин ташаббуси билан Давлат банки ҳақидаги Низом ишлаб чиқила бошлади. Ўша йили октябрда давлат банки таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилинди ва РСФСР Давлат банки ҳақидаги Низом қабул қилинди.

Партия ва ҳукуматнинг кучгайрати туфайли Совет ҳокимияти йилларида Давлат банки жаҳондаги энг йирик банкка айланди ва ҳозир ҳар бир шаҳар ва районда унинг бўлимлари бор.

Ўзбекистон экономикасини ривожлантиришда ҳам Давлат банкининг роли каттадир. Давлат банки социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида республика халқ хўжалигига мунтазам ёрдам бериб келди.

СССР Давлат банкининг 50 йиллик шонли йўли улкан хўжалик вазифаларини ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшиш билан белгиланган. Ўзбекистон ССРда Давлат банкининг ривожланиши ва унинг республика хўжалик ва маданий қурилишига ёрдами бунга мисол бўла олади.

Республика халқ хўжалигининг ўсишига мувофиқ равишда Ўзбекистон ССРда Давлат банки системаси ҳам ривожланди. Ўзбекистон ССР ташкил этилган 1924 йилда республиканинг ҳозирги территориясида Давлат банкининг 9 та муассасаси бўлиб, улар йирик шаҳарларда жойлашган эди. Ҳозирги вақтда 11 та банк идораси ва 145 та муассаса республика халқ хўжалигига хизмат қилмоқда.

Республика халқ хўжалигининг планли ривожланишини таъминлашда Давлат банкининг қисқа муддатли кредитлари муҳим роль ўйнайди. Бундай кредитлар миқдори йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Банк кредити республика хўжалигида оборот маблағларини ташкил этишнинг асосий манбанга айланиб бормоқда. Чунончи, пахтачилик саноатида оборот маблағларининг 96 процентини, озиқ-овқат саноатида 70 процентини, гўшт-сут саноатида 71,5 процентини, енгил саноатда 54,5 процентини банкдан олинган кредитлар ташкил қилади.

Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965 йил) Пленумининг қарорлари туфайли қисқа муддатли кредитлар кўпайди. Республикада корхоналар ва ташкилотлар вақтинча молиявий қийинчиликларга дуч келганларида уларга тўлов кредитлари бериш, яхши ишлаётган корхоналарга имтиёзли кредитлар бериш, иш ҳақи учун кредитга асосланиб ҳисоб-китоб қилиш жорий этилди ва кредитни қўлланиш кенгайди. Шу билан бирга Давлат банкининг янги техникани жорий этиш учун, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун берадиган кредитлари кўпайди. Ана шу мақсадлар учун сўнгги беш йил ичида республикамиз хўжалигига 153 миллион сўмдан кўпроқ кредит берилди. Ана шу вақт ичида кредит олган тадбирлар туфайли республика халқ хўжалиги 240 миллион сўмликка яқин қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариб, 73 миллион сўм тежамга эга бўлди.

Республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ҳам Давлат банки кредити катта роль ўйнамоқда. 1970 йилнинг ўзидагина Ўзбекистон ССРдаги Давлат банки муассасалари қишлоқ хўжалигига (колхозлар бундан мустасно) 4 миллиард сўмга яқин кредит бердилар.

Колхозларга бевосита банк орқали кредит бериш уларни пул ресурслари билан таъминлайди. Бу эса колхозчилар меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлаш ва бошқа пул муомалаларини амалга ошириш имконини беради.

Давлат банкининг республика конторасси ва муассасалари корхоналар, ташкилотлар, министрликлар ва идораларнинг хўжалик-молиявий фаолияти натижаларини мунтазам таҳлил қилиб бориш асосида уларнинг слдига аниқланган камчиликларни тугатиш вазифасини қўймоқдалар, хўжалик-молия фаолиятини яхшилаш юзасидан корхоналар, министрликлар ва идоралар раҳбарлари билан зарур чораларни белгиламоқдалар.

Давлат банки республика идораси министрликлар ва идоралар хўжалик-молиявий фаолиятининг турли масалалари бўйича республика раҳбар органларига таклифномалар киритмоқда. Бундай таклифлар республика Министрлар Советининг тегишли қарорларида ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга Давлат банки зарур бўлган ҳолларда кредит билан таъсир қилиш чораларини кўряпти. Чунончи, 1970 йилда 343 хўжалик органи кредит беришнинг алоҳида режимига ўтказилди ёки кредит олишдан маҳрум этилди. Бундай чоралар кўпинча самарали натижа бермоқда.

Кўриниб турибдики, Давлат банки муассасалари республикада катта контроль ишларини олиб бормоқдалар ва бу билан хўжаликларда давлат, молия, тўлов ва касса интизомларини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқдалар.

Давлат банки республика идораси ва муассасалари коллективлари КПСС XXIV съезди қарорлари муносабати билан Давлат банки олдида турган вазифаларни бажариш юзасидан муҳим тадбирларни ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар. Партия съезди тарихий қарорларидан руҳланган Давлат банки ходимлари ўз бурчларини шараф билан бажариш учун куч ва ғайратларини, билим ва тажрибаларини аямайдилар.

Э. БОҚИБОЕВ,
Давлат банки Ўзбекистон республика идораси бош қарувчисининг ўринбосари.

Суратда: Давлат банки республика идорасининг ходимларидан бир группаси: (олдинги қаторда, чапдан ўнгга) Х. Содиқова — катта кассир, А. А. Ермакова — катта бухгалтер, Н. Я. Александрова — бош бухгалтер, М. И. Объедков — машина-ҳисоблаш станциясининг бошлиғи, орқада: Х. М. Юнусов — бўлим бошлиғи, В. Н. Алексеев — инкассация бўлимининг катта инспектори.

И. Глауберзон фотоси.

ЧИЛИДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

КПСС Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Чили Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси, ЧСП Марказий Комитетининг пропаганда бўйича секретари Эрнан Колома бошчилигидаги Чили Социалистик партияси партия ходимларининг делегацияси Ўзбекистон партия ташкилотларининг иш тажрибаси билан танишмоқда.

Чилидан келган меҳмонлар Самарқандга бориб, бу ерда область партия комитетида суҳбатлашдилар, чинни заводида, Иштихон районидаги «Халқаобод» колхозида, 26 Боку комиссарлари номидаги шойи тўқиш фабрикасида бўлдилар.

Чили Социалистик партиясининг намояндалари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини ва янги қурилишларини бориб кўрдилар, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, В. И. Ленин номли республика пионерлар саройини кўздан кечирдилар.

Делегация бошлиғи Эрнан Колома ўз таассуротларини айтиб, Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Сизнинг республикангизда биз марксизм-ленинизм улуғ ғоялари қандай амалга оширилаётганлигини кўрдик. Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти йилларида экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида эришган улкан ютуқлари бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Чили социалистик партияси делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши. Суратда: меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

Ташқи мамлакатларда

БИРМА АҲОЛИСИ

РАНГУН, (ТАСС). Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларга қараганда, Бирма аҳолиси 28 миллион 201 кишига етган. Мамлакат аҳолисининг сони ҳар йили икки процент чамаси кўпаймоқда.

ГОНДУРАС. Бу мамлакат 1502 йилда Х. Колумб томонидан очилган эди. То испанлар босиб олгунга қадар Гондурасда кўплаб ҳинди қабилалари яшарди. Ҳозирги кунда Гондурас Марказий Америкадаги энг қолоқ мамлакатлардан биридир. АҚШ монополияларининг ўлжасига айланган бу мамлакатда асосан банан ва кофе етиштирилади. Саноатда майда ҳунармандчилик ҳукмрон. Аҳолисининг учдан бири ишсиз, ҳар беш кишининг бири саводсиз. Суратда: Сан Педро Сула шаҳри кўчаларидан бири.

Камера Пресс-ТАСС фотоси.

АҚШ—Япония:

КЕСКИНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Япония императори Хирохито Европага бора туриб Анкорижда (Аляскада) икки соат қўниб ўтди. Шу вақт ичида АҚШ президенти Р. Никсон Хирохито билан учрашди. Жаҳон матбуоти бу учрашувга Америка—Япония ziддиятларининг кескинлигини бир оз юмшатиш ёки лоақал жамоатчилик назарида, (аввало япон жамоатчилиги назарида) бу кескинлик юмшаб бормоқда деган таассурот туғдириш учун қилинган уринши бўлди, деб баҳо бермоқда. Информация агентликлари ва газеталарнинг берган хабарларига қараганда, Анкориждаги учрашувда Никсон билан Хирохитодан ташқари АҚШ давлат секретари Рожерс билан Япония ташқи ишлар министри Фукуда ҳам қатнашганлар, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий зиддиятлар, шунингдек, Никсоннинг Пекинга қиладиган сафари мана шу учрашувлар вақтидаги суҳбатнинг асосий мавзулари бўлган. Никсоннинг Пекинга киладиган сафари тўғрисида Қўшма Штатлар ўз иттифоқчиси бўлган Япония билан маслаҳатлашиб олишни ҳатто лозим кўрмаганлиги Токиони ранжитиб қўйган эди.

Анкориждаги учрашув ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлардаги «кескинлик вазиятида» ўтганлигини Америка матбуоти ҳам, Япония матбуоти ҳам қайд қилиб ўтди. Маълумки, «Америка долларини ҳимоя қилиш» борасида кўрилган фавқулодда чоралар Японияга айниқса катта зарба берди. Чунки Япония АҚШ билан савдо қилаётган катта мамлакат ҳисобланади. Шуни айтиб ўтиш кифоя қилдики, Японияннинг Қўшма Штатларга қилаётган жамики экспорти ўзининг ҳажми жиҳатидан Англия, Германия Федератив Республикаси ва Франция сингари давлатларнинг АҚШга қилаётган жамики экспорти ҳажмидан бир оз камлик қилади, холос.

Шу нарса диққатга сазовордирки, Америка билан Япония ўртасида «тўқимачилик уруши» яна бошланганлиги тўғрисида ҳамда агар Токио ўзининг тўқимачилик молларини АҚШга экспорт қилишни ўз ихтиёри билан чеклаб қўймаса, бундай молларнинг Америка бозорига келтириладиган миқдорини яқин фурсат ичида жуда қаттиқ чеклаб қўямиз, деб дўқ қилиб Оқ уй Японияга янги ультиматум берганлиги тўғрисида Аляскадаги учрашув бошланмасдан бир неча кун олдин овоза тарқалган эди. Бироқ Япония Американинг бу тўғридаги буйруғига бўйсунишдан бош тортмоқда. «Вашингтон пост» газетасининг 30 сентябрдаги сонида босилган хабарга қараганда, Японияндаги доиралар АҚШнинг мана шу пўписаларини эшитиб «таажжубланмоқдалар ва газабланмоқдалар».

Японияннинг узоқни мўлжаллаётган сиёсатчилари ва шарҳчилари бу мамлакатнинг АҚШ билан «алоҳида муносабатлари»ни қайта кўриб чиқиш зарур деган масалани тобора қатъийроқ қилиб қўймоқдалар. Улар Япония экономикасининг ривожланишини хавф остида қолдираётган ва мамлакатнинг туб манфаатларига зид иш қилаётган Вашингтонга бир томонлама таяниб иш кўришдан воз кечиш керакликини аниқ далиллар билан исботлаб бермоқдалар. Мана шу фактларнинг ҳаммасини назарда тутганда Анкориждаги учрашувда Никсон билан Хирохито Вашингтон билан Токио ўртасида тобора кескинлашиб бораётган зиддиятларни юмшатишга муваффақ бўлдилар, деб фараз қилиш қийин, деган хулосага келиш мумкин.

И. ЛАПИЦКИЙ,
(ТАСС).

СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Европа кубоклари учун кураша уч командамиз — ЦСКА, «Динамо» ва «Спартак» футболчиларининг нимчорак финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритганликлари мухлисларга маълум. Қуръа ташлаб, бу командаларнинг энди қайси коллективлар билан учрашишлари ҳам аниқланди. Армиячилар Европа чемпионлари кубоги иштиёқида Бельгиянинг Льеж шаҳрида «Стандард» командаси билан беллашишса, динамочиларимиз кубок эгалари кубоги учун Туркиянинг «Эскишаҳирспор» коллективи билан юзлашади. УЕФА кубогини қўлга киритишда пойтахт спартанчилари Португалиянинг «Виктория» командаси билан ўйнайдиган бўлди. Учрашувлар 20 октябрь ва 3 ноябрда ўтказилади.

Охирлаб бораётган мамлакат футбол чемпионатида ҳам қизғин ўйинлар бўлди. Чемпионат олтин медалини қўлга киритган киевлик динамочилар бу сафар москвалик торпедочиларга меҳмон бўлиб, ҳисобни (1:1) дуранг қилишди. Олий лига билан ҳайрлашмасликка чемпионат тугаши олдидан куч сарфлаб қолишга уринаётган «Пахтакор»чилар Олмаотада ўтказилган навбатдаги ўйинда қимматли очкони бой беришди. Учрашув 2:0 билан қайратчилар фойдасига ҳал бўлди, Зенитчилар якшанба куни йирик ҳисобли ғалабани қўлга киритишди. Улар пойтахт армиячиларини қабул қилиб, жавобсиз беш тўп киритишга эришдилар. Қолган ўйинлар: «Заря» — «Нефтчи» 1:0, «Шахтер» — «Арарат» 2:0, «Спартак» — «Динамо» (Мн) 2:0, «Динамо» (Тб) — СКА 0:0 ҳисобида тугади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 13.00 — МОСКВА, 19.00 — ТОШКЕНТ, 19.05 — Ахборот, 19.20 — Сурхон-Шеробод чўлидаги халқ жасорати, 20.00 — **Инсонга таъзим қил, она тупроқ** (адабий театр). **Ўзбек тилида:** 20.40 — Ахборот, 21.00 — Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари, 21.15 — Миллионлар иқтисодий университети, 21.30 — Маткарим Болтабоев куйлайди, 22.30 — Бадиий фильм, 23.40 — **Мен — Қозоғистон** (телефильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Телефильм, 18.15 — Беш йиллик мақорат ва изланиш, 19.00 — МОСКВА, 20.00 — Миллионлар ленинча университети, 20.35 — **Оддий воеса** (бадиий фильм), 22.00 — ТОШКЕНТ, 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 19.40— Балет кечаси, 20.20 — Курувчи — фахрли касб, 21.05 — Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/X да **Дилором**, 6/X да **Севги тумори**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/X да **Алишер Навоий**, 6/X да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/X да **Жон қизлар**, 7/X да **Ажаб савдолар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 5, 6/X да **Биринчи бўса**, 7/X да **Беш кунлик нуёв** (спектакллар кундуз соат 4 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва Давлат цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ун икки стул (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «СПУТНИК», «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2.30, 5.15 минут ва кеч 8 да).

Қалъа жавоб берди — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

0416 номерли қочоқ — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Иккиюзламачилар ватани — «КУЧА» (тоқ соатларда).

Кутилмаган танишув — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Ешлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 11, 2, 5 ва кеч 8 да).

ФУТБОЛ ИШҚИВОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ФОРВЕРТС» (ГДР) **командасининг кечикиб келиши сабабли**

6 ОКТЯБРГА БЕЛГИЛАНГАН

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ КЎЧИРИЛАДИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича бўлим мудирлари вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

фан доктори ёки фан номзодлари: октябргача бўлган адабиёт бўлими, текстология ва публикация бўйича, совет адабиёти ва адабий алоқалар бўйича фольклор бўлими, илмий пропаганда ва информация бўлими, тасвирий миниатюра ва палеография бўлими, экспозиция бўлими.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-ГСП, Навоий кўчаси, 55-уй.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР, РАЙОН ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА ҲАМДА ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА БОШЛАНДИ

Сиз иш ёки ўқиш жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчилари, алоқа бўлимлари, «Союзпечать» агентликлари ва бўлимлари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

УЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги коллективи министрликнинг бош мутахассиси С. В. Қориевга отаси

Борий ҚОРИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти коллективи география кафедрасининг доценти М. Қориевга акаси

Борий ҚОРИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Нашриёти ва «Тошкентдан гапирамиз» — «Говорит Ташкент» радиотелевидение программалари редакцияси коллективлари «Тошкентдан гапирамиз» — «Говорит Ташкент» радиотелевидение программаларининг муҳаррири О. Б. Қувватбекованга опаси

Рохатой РУЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 230. Узбекистон Компартиясы Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 14545.